

## ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ТҮГРИДАН-ТҮГРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ВА ХОРИЖИЙ КРЕДИТЛАР ЖАЛБ ҚИЛИШ САМАРАЖОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ

Маматов Б.Ш

PhD, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7352373>

**Аннотация.** Уибу мақолада түгридан-түгри хорижий инвестиция ва хорижий кредитлар жалб қилиши самарадорлиги таҳлили келтирилган. Кимё саноати корхоналари мисолида хорижий кредитлар ва молиявий самарадорлик кўрсаткичлари ўзаро таъсири ўрганилган. Хорижий инвестиция жалб қилиши орқали самарадорликни ошириши йўллари тўғрисида илмий холосалар келтирилган.

**Калим сўзлар:** Хорижий инвестиция, хорижий кредитлар, капитал самарадорлиги, активлар самарадорлиги, инвестициявий жозибадорлик.

### АНАЛИЗ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ПРЯМЫХ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ И ИНОСТРАННЫХ ЗАЙМОВ В ЭКОНОМИКУ УЗБЕКИСТАНА

**Аннотация.** В данной статье представлена эффективность привлечения прямых иностранных инвестиций и иностранных кредитов. На примере предприятий химической промышленности изучено взаимодействие внешних займов и показателей финансовой эффективности. Представлены научные выводы о путях повышения эффективности за счет привлечения иностранных инвестиций.

**Ключевые слова:** Иностранные инвестиции, иностранные кредиты, эффективность капитала, эффективность активов, инвестиционная привлекательность.

### ANALYSIS OF THE EFFICIENCY OF ATTRACTING FOREIGN DIRECT INVESTMENT AND FOREIGN LOANS TO THE UZBEKISTAN ECONOMY

**Abstract.** This article presents the effectiveness of attracting foreign direct investment and foreign loans. The interaction of foreign loans and financial efficiency indicators was studied on the example of chemical industry enterprises. Scientific conclusions are presented on ways to increase efficiency by attracting foreign investment.

**Keywords:** Foreign investment, foreign credit, capital efficiency, asset efficiency, investment attractiveness.

#### 1. Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Жаҳон тажрибаси шуни қўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболага бўлмайди. Биз факат инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга эришамиз. Иқтисодиётдаги ижобий натижалар эса ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини яратади. Буни ҳаммамиз чуқур тушуниб олишимиз ва ишимизни шу асосда ташкил этишимиз шарт. Хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун мамлакатимизнинг инвестиция салоҳиятини тўла намоён этиш чораларини кўришимиз кундалик ҳаётимиздан жой олган энг долзарб

масалалардан бири бўйлмоғи лозим”, деб таъкидлаб, хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ғоят муҳим аҳамиятини ва уни жалб қилишнинг долзарблигини эътироф этади.

Бугунги кунда ишлаб чиқаришнинг ҳолати, миллий иқтисодиёт корхоналарининг асосий воситаларининг ҳолати ва техник жиҳозланиш даражаси, иқтисодиётни таркибий ўзгартериш имконияти ва ижтимоий ва экологик муаммоларни ҳал қилиш инвестиция сиёсатининг самарадорлигига боғлиқ. Инвестициялар корхоналарни, алоҳида тармоқларни ва умуман иқтисодиётни ривожлантириш учун асосдир, чунки ҳозирги вақтда миллий иқтисодиётнинг техник ва технологик даражаси паст, ишлаб чиқариш ва саноат таркиби ноаниқ, асосий воситалар ва ишлаб чиқариш қуввати эскирган бир вақтда корхоналар учун замон талаблари даражасига мослашиш учун керак ресурсларни таъминлайди.

Чет эллик сармоядорлар, хорижий кредиторлардан фарқли равишда ўзларининг инвестицияларига қўшимча равишда мамлакатга цивилизациялашган бозор элементларини: юқори сифатли менежмент, бошқарув тажрибаси, маркетинг, инновацион ресурслар, ахборот технологиялари, ҳалқаро ҳамкорлик стандартлари, улар ўрнатган алоқалар ва савдо йўналишлари орқали жаҳон бозорига чиқиш имкониятларини олиб келмоқдалар.

## 2. Адабиётлар шарҳи

Жаҳон амалиётида, иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб қилиш самаражорлиги борасида кўплаб илмий тадқиқот ишлари амалга ошириб келинмоқда. Ушбу тадқиқотларда ҳалқаро молия бозорларига кучли интеграциялашувни таминалаш орқали хорижий инвестицион банклар ва фондлар билан инвестициявий йўналишда ҳамкорликни ривожлантириш, ҳамда, хорижий кредитлар ва инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш муаммолари ва афзалликлари белгилаб берилган.

Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш йўлларини шакллантириш доирасидаги қатор тадқиқот изланишлари хорижлик иқтисодчи олимлардан С.Лиесбетҳ, М.Миет, С.Жо илмий изланишларида алоҳида аҳамият касб этади. Тадқиқотчилар фикрича, ўтиш даври мамлакатларида иқтисодиётни либераллаштириш жараёни тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш тизмини такомиллаштиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Тўғридан-тўғри капитални тўплаш ва технологик ноу-хау орқали миллий корхоналарга технологиялар ва билимларни жалб қилиниши иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини таъминлайди.

М.В.Чараева илмий тадқиқотларида ташкилотларнинг реал сармояларини молиявий бошқариш жараёнларининг концептуал асослари ўрганилган. Инновацион йўналтирилган иқтисодиёт шароитида реал сармояларни стратегик молиявий бошқариш хусусиятлари баён этилган.

Д.Ш.Бабабекова, Б.О.Турсунов тадқиқотларида фаол инвестицион жараёнларни рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришдаги ўрни, фаол инвестициялар орқали рақобатбардош иқтисодиётни шаллантиришнинг хориж тажрибаси ва ундан самарали фойдаланиш имкониятлари ўрганилади.

Ф.У.Умаров тадқиқотларида иқтисодиётнинг тегишли тармоқ ва соҳаларига инвестиция жалб қилиш кўламини кенгайтиришнинг ташкилий-иктисодий механизmlари ва ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинади..


Хамидулин М.Б. илмий тадқиқотларида Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинган инвестициялар самарадорлиги таҳлиллари асосида мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш жараёнини молиялаштириш хусусиятлари баён қилинган.

С.Э.Элмирзаев томонидан амалга оширилган тадқиқотларда акциядорлик капиталига хорижий инвестицияларни жалб самарадорлиги, акцияларни халқаро бозорларга чиқариш орқали капитал жалб қилиш йўналишлари баён этилган.

### 3. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.


Акциядорлик жамиятлари янги лойиҳаларини хорижий кредитлар ва хорижий инвестициялар орқали молиялаштириш самарадорлиги «Деҳқонобод калий заводи» АЖ мисолида ўрганилди.

Ушбу корхона асосий калий ўғитларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, унинг маҳсулоти ички бозорга ва экспортга йўналтирилади. Агар соҳа учун корхона маҳсулоти жуда зарур бўлгани ва бозор талаби қониқарли бўлишига қарамай корхона молиявий барқарорлиги ва самарадорлик кўрсаткичларида қатор муаммолар борлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, йилдан-йилга сотишдан соф тушум барқарор равишда ошиб борганига қарамай корхона соф фойдаси ошмаган.



1 - расм. “Деҳқонобод калий заводи” АЖ асосий фаолият кўрсаткичлари, млрд.сўм.

Ушбу ҳолат сабабини унинг баланс кўрсаткичларидан қидирганимизда узоқ муддатли дебитор қарздорлигининг ошиб кетиши ҳисобига корхона жорий активларидан деярли маҳрум бўлганини кўришимиз мумкин мумкин. Айниқса валюта курсидаги фарқ эвазига корхонанинг молиявий фаолиятдан олган, зарари корхона рентабеллик кўрсаткичларининг тушиб кетишига сабаб бўлиши, унинг айланувчанлик кўрсаткичларида яхшиланиш алматларининг пайдо бўлиши аслида активлардан самарали фойдаланилаётганини билдирилмаслигига олиб келди.



**2 - расм. Корхона баланс кўрсаткичлари, млрд.сўм.**

Корхона молиявий ҳолатининг ёмонлашишига яна бир сабаб: чет эл валютасида олинган банк кредити бўлиб, у бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши корхонанинг молиявий фаолиятдан олаётган зарарини янада кучайтироқда. Ушбу кредитлар:


- Хитой Эксимбанки томонидан Хитой Ҳукуматининг имтиёзли кредит линияси доирасида 110,5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит,

- 128млн. АҚШ доллари миқдоридаги Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ томонидан 7 йил муддатга қайта молиялаштирилган, шу жумладан 3 йиллик имтиёзли давр билан, йиллик 2,25 фоиз ставкаси билан ҳамда банк маржаси қўшилган ҳолда молиялаштириш жалб қилинган.

«Деҳқонобод калий заводи» АЖ лойиҳаларни молиялаштириш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинмаган балки, давлат кафиллиги асосида хорижий молия институтларининг маблағлари жалб этилган, бу маблағлар эвазига асосан Хитойда ишлаб чиқарилган ускуналар сотиб олинган. Ҳозирда заводнинг 2-босқич лойиҳаси тўлиқ яқунланмаган, яъни электр таъминотидаги ва осма канат йўли қурилиши ишлари тўлиқ яқунланмаган, қайта ишлаш мажмуаси эса ишчи ҳолатга келтирилган. Бунинг натижасида етарли хом ашё билан таъминланмаганлиги ҳисобига корхона асосий ишлаб чиқариш цехлари тўлиқ қувватда ишлаш имкониятини йўқотмоқда лекин ишлаб чиқариш харажатларига қайта ишлаш мажмуаси ускуналарининг амортизация харажатлари ва бошқа доимий харажатлари, молиявий харажатлар, кредит юкламалари қўшиб ҳисоблашга мажбур бўлинмоқда ва бунинг натижасида корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи жаҳондаги етакчи калий хлор ишлаб чиқарувчи корхналардан анча юқори бўлмоқда. Натижада корхона маҳсулотини экспорт қилиш имконияти тоборо пасайиб бормоқда ва корхона иқтисодий самарадорлиги жуда ҳам паст бўлиб қолган.

Корхонанинг валютада олинган кредитларини муддатидан олдин ёпиш ва молиявий фаолиятдан олинаётган зарарни сезиларли равишда камайтириш, ва оҳироқибатда соф фойданинг сезиларли равишда оширишга имкон берар эди. Масалан, 2019 йилда фоиз тўловлари 32,6 млрд. сўмни, соф фойда эса 5,6 млрд. сўмни ташкил қилган бўлиб, банк кредитларининг муддатидан олдин ёпилиши ва фоиз тўловлари бўйича

иқтисод қилинадиган маблағ ҳисобига соф фойдани бир неча баробар оширишга муваффақ бўлинар эди.



**3-расм. “Дехқонобод калий заводи” АЖнинг 2016-2020 йилларда ўртача сотиш рентабеллиги қўрсаткичининг қисқа муддатли ликвидлик коэффициентига корреляцияси**

Фоиз тўловларидан қутулиш корхонанинг қисқа муддатли ликвидлик қўрсаткичларининг яхшиланишига сабаб бўлар эди. Бу эса рентабеллик қўрсаткичларига ижобий таъсир қўрсатиши мумкин. Дарҳақиқат, сотиш рентабеллигининг қисқа муддатли ликвидлик коэффициентига боғланишини тадқиқ қилганимизда улар орасида корреляция даражаси 0,9276 эканлиги топилди. Умуман олганда муаллиф фикрича, корхонани бошқарув тизимида, хусусан молиявий ва инвестицион менежмент соҳасида жиддий муаммолар мавжуд.

Кимё саноати корхоналаридан бири бўлган «Максам-Чирчик» АЖнинг акцияларини хорижий инвестиция жадб қилиниши эвазига корхонанинг бошқарув фаолиятидаги ва иқтисодий қўрсатгичларида катта ўзгаришлар рўй берди. 2007 йилда Чирчиқ шаҳридаги «Электркимесаноат» АЖ акцияларининг 49% Испаниянинг «Maxam Corp, International S.L» компаниясига инвестиция киритиш шарти билан сотилди ва жамият номи «Максам-Чирчик» АЖга ўзгаририлган эди. Шундан сўнг Кимё саноати корхоналарининг 2007-2011 йиллар даврида модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурига биноан учта йирик лойиҳа амалга оширилди.

«MaxamCorp, International S.L» компанияси томонидан «Максам-Чирчик» АЖда фақатгина ишлаб чиқариш жараёни ускунлари модернизация ва реконструкция қилиниб қолмасдан корхонанинг бошқарув жараёни ҳам ўзгаририлди вакорхонага корпоратив бошқарув жорий қилинди бу эса ўз навбатида ўзининг самарасини берди буни корхонанинг сўнги йиллардаги фаолиятининг самардорлигининг ошишида ҳам кўришимиз мумкин (3.1-жадвал). Корхонада олиб борилган реконструкция ишлари, натижасида ва маҳсулот таннархини пасайтиришда эришилган ютуқлар, давр харажатларининг камайтирилиши, молиявий фаолиятнинг бошқа харажатларининг қисқартирилиши, солиқ сиёсатининг тўғри олиб борилганлиги ва давлат томонидан яратилган шароитдан тўғри фойдаланилгани эвазига ва бошқа солиқлар турининг камайтирилганлиги эвазига жамиятнинг соф фойдаси 2018 йил 57,4 млрд. бўлган бўлса 2019 йилда бу қўрсатгич 123,3 млрд.гача оширилган шунга нисбатан корхонанинг

рентабеллик кўрсатгичлари 2018 йил 9,19 % бўлган бўлса 2019 йилда бўй кўрсатгич 13,24%га ошган.

#### 4. Хулоса ва таклифлар

Корхоналарга кредит ўрнига, хорижий инвестицияларни жалб қилиш нафақат кўшимча молиялаштиришни жалб қилиш, балки янада самарали бошқарув ва ишлаб чиқариш жараёнларини жорий этиш орқали иқтисодий ривожланишнинг янги босқичига ўтиш имконият беради.

Хорижий инвесторларнинг инвестицион қарор чиқаришлари учун корхона ҳолати тўғрисида зарур ахборот билан таъминлаш учун иқтисодий, мулкий, молиявий ҳолати ва ўтган давр фаолияти натижалари ҳақидаги рақамли ва тушунтириш матнларидан иборат ҳисоботга эҳтиёж туғилади.

Жаҳон амалиётида инвесторларни жалб қилишнинг самарали ахборотий усуулларидан бири - Инвестициявий тизерни тайёрлаш ва уни потенциал инвесторларга тақдим этишдир. Инвестициявий тизер инвестиция жалб қилувчи ва инвестор ўртасидаги муносабатлар занжиридаги дастлабки бўғин ҳисобланувчи энг биринчи хужжатдир.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки ҳар қандай тармоққа кредит жалб қилгандан кўра хорижий инвестиция ва замонавий бошқарувни жалб қилиш орқали корхоналарда модернизация ва реконструкция ишларининг тўғри олиб борилиши корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигининг ўсиши учун хизмат қилас экан.

#### REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2018 йил 29 декабрь № 271-272 (7229-7230) сони.
2. Liesbeth Colen, Miet Maertens and Jo Swinnen. Foreign direct investment as an engine for economic growth and human development: A review of the arguments and empirical evidence. January 2009
3. Чараева М.В. Финансовое управление реальными инвестициями организаций: учебное пособие / М.В. Чараева. Москва: Альфа-М, 2014. 240 с.
4. Бабабекова Д.Ш, Турсунов Б.О. Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш орқали рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш йўналишлари. Илмий- оммабоп рисола. Т. “Иқтисод-Молия” 2019, 40 б.
5. Усаров Ф.У. Инновацион-инвестиция фаолияти тадбиркорликнинг муҳим омили. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. №1, январь 2018 йил
6. S. Elmırzaev The practice and analysis of mass positioning of shares of joint-stock companies. PRACTICE, 2019
7. Хамидулин М.Б. Основные направления оптимизации структуры финансирования экономики узбекистана современная наука: актуальные проблемы и пути их решения. №1, январь 2019 г.